



ЁШ ШАРҚШУНОСЛАРНИНГ АКАДЕМИК УБАЙДУЛЛА КАРИМОВ НОМИДАГИ XIV ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 17 февралдаги 86-сонли буйруғи асосида Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази **2017 йил 7 апрелда** Ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги XIV илмий-амалий конференциясини ўтказишни режалаштирмоқда. Марказ маъмурияти шарқшуносликнинг турли соҳаларида илмий изланишлар олиб бораётган магистрантлар, катта илмий ходим-изланувчилар ва мустақил тадқиқотчиларни анжуманда иштирок этишга таклиф қилади.

Илмий маъруза тезислари (2-3 бет) шу йилнинг **15 мартга** қадар қабул қилинади. Анжуман материалларини тезислар тўплами шаклида нашр этиш, шунингдек, энг яхши деб топилган маърузаларнинг мақола шакли Марказнинг “Мерос” илмий журналида чоп этилиши кўзда тутилган. Маъруза учун регламент 10 дақиқа.

Тезис матнларини расмийлаштириш талаблари:

1. Тезис матнлари Times New Roman шрифтида, белгилар катталиги 12, сатрлар ораси 1,5 интервалда ёзилган бўлиши керак.
2. Қоғоз ўлчами: А4 (210-297 мм).
3. Матн юқорисидан 2,5 см, пастдан 1,5 см, ўнгдан 1,5 см, чапдан 3 см ҳошиялар қолдирилиши талаб этилади.
4. Саҳифанинг юқори ўнг бурчагидаги биринчи қаторда маърузачининг исми, шарифи, иккинчи қаторда ташкилотининг тўлиқ номи, учинчи қаторда телефон рақами (коди билан) ва электрон почта манзили кўрсатилади.
5. Мавзу номи қорайтирилган катта ҳарфлар билан бешинчи қаторда, саҳифа ўртасидан ёзилади.
6. Тезисда мавзу орқали кўтарилган муаммо, унинг ечими, илмий амалий-аҳамияти ва хулосаси қисқа мазмунда берилиши, турли цитата, жадвал ва схемалар қелтирилмаслиги талаб қилинади. Зарур ўринларда хаволалар сатр остида ифодананиши мумкин (Масалан: Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиши жараёни. Тошкент, 2001. Б. 135.).
7. Тезис электрон ва қоғоз шаклда топширилиши сўралади.
8. Тезиснинг ҳар саҳифасига 10 000 сўмдан тўлов бадали белгиланган.

Кечиктирилган ва талаблар бўйича тайёрланмаган тезислар қабул қилинмайди.

**Тезис матнлари марказ мутахассиси Д. Эралиевага топширилсин
(3-этаж, қироатхона)**

Манзилимиз:

100170. Тошкент ш.,
Мирзо Улуғбек кўчаси, 81-уй,
Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази.

Мурожаат учун:

Телефон: 262-54-61

E-mail: dnishanova@yahoo.com